

«Ишончли арқон»



18:45 / 27.02.2018 4612

Ким яхшилик қилувчи бўлган ҳолида Аллоҳга юз тутса, батаҳқиқ, у «ишончли арқон»ни маҳкам тутибди. Ишларнинг оқибати фақат Аллоҳга қайтур.

Ким Аллоҳга юз тутса, яъни ихлос билан амал қилиб, Унинг амрига бўйсуниб, шариатига эргашса:

«...батаҳқиқ, у «ишончли арқон»ни маҳкам тутибди».

Биз «ишончли арқон» деб таржима қилган маъно оятда «ал-урватул вусқо» деб келган. «Вусқо» «ишончли» дегани, «ал-урвату» деб эса эса тоққа осилиб чиқиладиган арқонга айтилади. Демак, бу дунёда олий мақсадга эришиш баланд тоғ чўққисига чиқиш деб олинса, Ислом динини тутиш ўша чўққига чиқиш учун узилмайдиган, ишончли арқонни маҳкам тутишга

ўхшар экан. Чўққига чиқмоқчи бўлган одам энди арқондан кўнгли тўқ бўлаверсин. Бу ёғи ўзига боғлиқ, ҳаракат қилса, чўққига албатта чиқади.

«Ишларнинг оқибати фақат Аллоҳга қайтур».

Шунинг учун аввал бошдан Унга иймон келтириб, У Зот нозил қилган Қуръонга эргашавериш керак.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири Ҳилол китобидан)